

## А Ж Р И М

(ярашганлик муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисида)

2026 йил февраль ойининг 18 куни жиноят ишлари бўйича Ёзёвон туман суди, Қорасоқол МФЙ биносида, очиқ сайёр суд мажлисида, раислик қилувчи И.Сатвалдиев, О.Кобуловнинг котиблигида, Ёзёвон туман прокурори ёрдамчиси Р.Мамасолиев, гумон қилинувчи И.Кодиров, унинг ҳимоячиси “Нимоа Quyoshi” адвокатлик бюроси адвокати У.Абдувоҳидов, жабрланувчи Қ.Рустамовнинг иштирокида, Кодиров Инъомжон Алижоновичга оид Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 1-қисми билан юритилган 1-1510-2601/18-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Гумон қилинувчи Кодиров Инъомжон Алижонович (Kodirov In'omjon Alijonovich), 1987 йил 6 декабрь куни Ёзёвон туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-маҳсус, оилали, 3 нафар фарзанди бор, ёлланма ишчи, судланмаган, Ёзёвон тумани, “Сой ёни” МФЙ, Ж.Мангуберди кўчаси, 23-уйда яшайди.

Суд, гумон қилинувчи ва жабрланувчининг аризаларини муҳокама қилиб, иш бўйича тўпланган далилларни суд мажлисида текшириб чиқиб, қуйидагиларни

### а н и қ л а д и

Дастлабки тергов ҳужжатларига кўра, гумон қилинувчи И.Кодиров бошқарувида бўлган, 40 N 181 LB белгили, “Damas” русумли автомашинасини 2026 йил 27 январь куни соат 11:05 ларда Ёзёвон тумани, “Қорасоқол” МФЙ, Мустақиллик кўчасида, Мингчинор томонга бошқариб кетаётиб, амалдаги “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 11-банди “г” кичик бандида кўрсатилган “Транспорт воситасининг ҳайдовчиси қуйидагиларга мажбурдир: г) ҳаракатланиш жараёнида бошқа йўл ҳаракати иштирокчиларига, айниқса, пиёдалар, болалар, ногиронлар, қариялар, индивидуал ҳаракатланиш воситалари ва велосипедчиларга нисбатан эҳтиёткорлик чораларини кўриши;” ва 77-бандида кўрсатилган “ҳайдовчи ҳаракатланишнинг серқатновлигини, транспорт воситасининг ва юкнинг хусусияти ҳамда ҳолатини, йўл ва об-ҳаво шароитини, шунингдек, ҳаракатланиш йўналишидаги кўринишни ҳисобга олиб транспорт воситасини белгиланган тезликдан оширмаган ҳолда хавфсизликни таъминловчи тезлик билан бошқариши керак. Тезлик ҳайдовчига ушбу Қоидалар талабларини бажариш учун транспорт воситасининг ҳаракатланишини доимий назорат қилиб бориш имкониятини бериши керак. Ҳайдовчи транспорт воситасини бошқариш пайтида аниқлай олиши мумкин бўлган хавф юзага келса, у транспорт воситасининг тезлигини тўлиқ тўхташни таъминлайдиган даражада камайтириши ёки тўсиқни бошқа ҳаракат қатнашчилари учун хавф туғдирмаган ҳолда айланиб ўтиш чораларини кўриши керак”-деган талабларини қўпол равишда бузиб, ўзидан олдинда бир йўналишда



ҳаракатланиб кетаётиб, ҳаракат йўналишини ўнг томон йўл четидан чап томонга ўзгартираётган велосипедчи Қ.Рустамовни уриб юбориб, йўл транспорт ҳодисаси содир этиб, Қ.Рустамовни оғир тан жароҳати олишига сабабчи бўлган.

Суд-тиббий экспертизасининг 2026 йил 2 февраль кунги 240-сонли хулосасига кўра, Қ.Рустамовда чап сон суяги кўстлараро ёпиқ синиб силжиши ва юмшоқ тўқималарини лат ейиши аниқланиб, ушбу тан жароҳатлари оғир тан жароҳатлари туркумига киришлиги кўрсатиб ўтилган.

Жабрланувчи Қ.Рустамов судга ариза билан мурожаат этиб, гумон қилинувчи И.Кодиров билан ихтиёрий равишда ярашиб олгани, моддий зарар тўлиқ қоплангани, унга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, ўзига нисбатан ҳеч ким тазйиқ ўтказмагани, ярашув оқибатлари унга тушунтирилганини билдириб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Гумон қилинувчи И.Кодиров судга ариза билан мурожаат этиб, айбига тўлиқ иқрорлиги, чин кўнгилдан пушаймонлиги, жабрланувчи Қ.Рустамов билан ихтиёрий равишда ярашиб олгани, моддий зарар тўлиқ қоплангани, ярашув оқибатлари унга тушунтирилганини билдириб, унга нисбатан жиноят ишини тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасида, ушбу Кодекс 266-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, жинойий жавобгарликдан озод этилиши мумкинлиги кўрсатилган.

Суд, гумон қилинувчи И.Кодиров ҳамда жабрланувчи Қ.Рустамовнинг ярашув аризасини ўрганиб чиқиб, туман прокурори ёрдамчиси Р.Мамасолиев ва адвокат У.Абдувоҳидовинг жиноят ишини ярашув асосида тугатиш ҳақидаги фикрларини эшитиб, мазкур жиноят ишини тугатиш учун монелик қилувчи ҳолатлар мавжуд эмаслиги боис, томонларни ярашганлик ҳақидаги аризаларини қабул қилиб, жиноят ишини тугатишни лозим топади.

Шунингдек суд, жабрланувчига Ўзбекистон Республикаси ЖПК 583-моддасининг 6-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлангандан сўнг мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтиришни лозим топди.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 84, 582, 583, 585-586-моддаларига асосланиб, суд

#### а ж р и м қ и л д и

Гумон қилинувчи Кодиров Инъомжон Алижонович Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 1-қисми билан ЖК 66<sup>1</sup>-моддасига асосан жинойий жавобгарликдан озод қилинсин.

И.Кодировга нисбатан юритилган жиноят иши Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84-моддасининг 4-қисмига асосан унинг айблилик масаласи ҳал қилинмасдан тугатилсин.



Ажримдан норози тарафлар ўн кунлик муддатда шу суд орқали Фарғона вилоят судига апелляция тартибида, ажрим қонуний кучга кирганидан сўнг кассация тартибида хусусий шикоят беришга, прокурор эса хусусий протест келтиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи:

имзо

И.Сатвалдиев

Нусхаси аслига тўғри:

